



ИККИНЧИ КИТОБ МУКАДДИМА

Аллох куллари ичида энг факири Мухаммад Хайдар, дўстлари орасида Мирзо Мухаммад Хайдар ибн Мухаммад Хусайн кўрагон (Аллох уния, отасиниям мағфират килсин) номи билан танилган кимса зукко, талабчан кишилар олдида шуни маълум киламанки, менинг калбимда ҳам, шууримда ҳам аллақачон битта фикр мухрланган, яъни юксак эътиборли, билимли хотиранависларнинг улугворлиги шу даражадаки, бу факир банда ундай юксакликка хатто яқинлашолмайман ҳам, мен гурур тўфони ва жаҳолат тўлкини аклсизлик дарёсидан иктидорсизлик соҳилига чиқариб ташлаган бир парча сополга ўхшайман. Бундай одамнинг фазилат ва камолот денгизидаги ичи наср ва назм марваридларига тўла мукамаллик садафига эга бўлган гаввослар олдида канчалик киммати бўлсин! Аммо айрим мўгул хоконлари ҳаёти саҳифаларида улар билан боғлиқ воқеалар ҳақида ҳеч нарса сакланиб қолмаганлиги туфайли улар тўғрисида одамлар хотирасида ҳеч нарса қолмайди, деган фикрга бориб буларни ёздим.

Назм:

Ноз этма, Чин санам, қолмайди мулки Чин ҳам,
Мулки Чини нимаси, ўзлигича замин ҳам.
Вайронада туяқаш жимгина беради жон.
Билки омонлик топмас ўлимдан тахтнишин ҳам.
Жамшид ўтди жаҳондан, кетди хатто Сулаймон,
Ўзукнинг ўчди нақши, йитди узук – нигин ҳам.
Бу бечора Ҳасандан қолди нолаю фарёд,
Қўрмак, ўчар бир кун бу нолаи хазин ҳам.

(Ҳасан Дехлавий)

Шуларни ҳисобга олиб, «эхтиёж тақикни билмайди» деган ҳикматга амал қилган ҳолда, вақт имконига қараб мен мўгул хоконларининг қилган ишларидан энг аниқларини, баён қилиш зарур бўлганларини қаламга оламан, зеро илгари замонларда ҳурматли хотиранавислар ҳам ўз асарларини ўзларидан олдинги битиклар асосида ёзиб, уларга пинҳонийлик масканидан зоҳирий оламга қўчирилган нарсаларни қўшишган. Мўғулистон гуллаб-яшнаган даврда у ерда олимлар ва камолотга эришган одамлар қўп бўлган, эҳтимол улар тарих ва бошқа асарлар битишган. Мана энди орадан юз йил ўтгач, на ўша одамлардан дарак бор, на улар, эҳтимол, яратган асарлар ҳақида маълумотлар

бор. Ўша шаҳарлар ва обод манзиллардан, айрим миноралар ҳамда бузилган калъа деворларидан ўзга ҳеч бир из қолмаган. Бир қатор шаҳарларда асослари тошдан қилинган хонақо, мадраса, масжид, арк ва миноралар қолдиқлари сақланган, ҳолос.

Назм:

У ерда одамдан нишон қолмади,

Нишонни берувчи инсон қолмади.

Ободонликдан ҳеч бир асар қолмагани сингари, узок даврлар ўтиб, бутун мўғул бир-бирларидан бегона бўлиб кетиб, фазл ва қамол ахлидан ҳам ҳеч қим қолмади, ҳатто «фазл» ва «қамол» сўзлари одамлар хотирасидан ўчиб, фозиллик ва қомилликнинг моҳияти ҳам унутилиб кетди.

Мисра:

Номи ҳам қолмади ақлу қамолнинг.

Мўғуллар исломни қабул қилганларидан кейинги давр ҳақида, бу ерда ободонликнинг маҳв бўлишига нисбатан юз берганлиги ҳақида ҳам тарихий асар йўқ. Мовароуннаҳр, Хуросон ва Ироқ олимлари ўз ҳукмдорлари учун ёзган тарихий асарларида мўғул ҳоконлари ҳақида тасвир талаб қилган ўринлардагина тўхталганлар, воқеалар ўрни ва мазмуни талаб қилмаса, уларга диққатни қаратмаганлар. Бундай асарлар сирасига Ҳожа Рашидиддин Фазлуллоҳнинг «Жомӣ ат-таворих», Ҳожа Ҳамидуллоҳ Муставфийнинг «Тарихи гузида», Мавлоно Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома», Мавлоно Абдураззоқнинг «Тарихи манзум» («Матлаъи саъдайн ва мажмаи баҳрайн»), Мирзо Улугбекнинг «Улуси арбаа» («Тўрт улус тарихи») ва бошқалар қиради – уларнинг ҳар бирида мўғул хонлари ҳақида унча-мунча маълумот бор, аммо бундан мақсадга тўлиқ эришиб бўлмайди. Аллоҳ бандаларининг ушбу энг фақирида ёшлиқ пайтидан бошлаб аждодларимизнинг қилган ишлари ҳақида билишга жўшқин интилиш бўлган. Ўша пайтда мўғул амир ва амалдорларидан факат кексаларигина қолган бўлиб, уларнинг ёшлари юз атрофида, ҳатто ундан ҳам ошган эди.

Туфайлим руҳига ёғилсин-да нур

Отам кексаларча панд берди машхур.

Отам ҳам, амаким ҳам (Аллоҳ уларни раҳматига олган бўлсин) мўғул ҳоконларининг ишлари ҳақида ўз оталаридан ва ишончли оғизлардан эшитганларини айтиб беришарди. Энди эса қанча қонунлар ўтди, уларнинг барчаси оламдан ўтиб кетишди, менинг ночор миямга мўғуллар исломни қабул қилганларидан кейин улар ҳақида тарихий асарларда нима битилган бўлса, буларга ишончли кишилардан эшитганларимни ва қаминга ўз қўлим билан қўрганларимни қўйиб фикри ўрнашиб олди (Илоҳим ишим Аллоҳга маъқул бўлсин). Шу билан бирга, мен қобилиятсизлигим ва ожизлигим туфайли бу улкан ишни қаромига етказиб қаролишимга ўзимда ишонч қайдо қилмасдим, аммо қинов учун аввал қўз олдимда қодир бўлган воқеаларни қайиғи етдишга қарор қилдим. Қаминанинг ҳаётим асосан мўғул ҳоконлари билан қонлиқ қечганлиги қоида тасвир қароғида уларнинг тарихлари ҳақида ҳам тўхталмаслигим, бу қаролиш асарнинг асосий мақсади ҳисобланади.

Рубой:

Тарзима қон, не аҳволга қолди қаролиқ,

Юз қаролиқ қайиғи қолди қаролиқ.

Қен арз қайиғи агар қонлиқ қолсанг қен

Қолими қамом қаролиқ қайиғи қолди қаролиқ.

Агар қаролиқ асар Аллоҳнинг қиновти қамонлиқ қайиғи, қонлиқ инсонлар қамонлиқ асарлар

амалдорларнинг нозик дидларига маъкул бўлиб хатоларимизни узр этаги билан ёпсалар, бу факир банданинг хотирига таскин ва кўнглига шодлик иниб, «Тарих»нинг асосий кисмини битишга киришамиз, Аллох мададкор бўлсин.

Биринчи фасл. «Тарихи Рашидий» иккинчи китобининг боши – 900 (1494-1495) йилдан кейин мўгул, ўзбек, чигатой улусларининг хар бирида бўлиб ўтган воқеалар баёни.

Факир банданинг тугилган пайтида, яъни 905 (1499-1500) йилда – ўша давр олимлари шу санани «шарк» ва «нури чашми шох» («Шох кўзларининг нури») сўзларида тарих килишибдики, ушбу сўзлардаги харфлар йигиндиси ўша йилни билдиради. Бу даврда мўгул хоконлари давлати илгариги замонларга нисбатан гуллаб-яшнади, ана шу вақт оралигида Мўғулистоннинг қорахитойлар истикомат қиладиган шаҳарлари йўқ бўлиб кетди, то Юнусхон тахтга ўтиргунига ҳамда шаҳарларда ва обод манзилларда ўтроқ ҳаёт кечиришга ўтгунларига қадар, харқалай 889 (1484) йилда қўплаб мўғуллар ўтроқ ҳаёт кечиришмасди ва айтиш мумкинки, ободончиликдан дарак йўқ эди.

Мисра:

Тог кашкиридек эди одамлари.

Шош вилоятининг бутун кенг саҳролари мўгул хоконлари тасарруфига кирди, Мўғулистоннинг бутун саҳролари ва музофотлари Юнусхон томонидан қандай бўйсундирилганини баён қилсак, гапимиз чўзилиб кетади, Худо хоҳласа, булар «Тарих»нинг асосий кисмида ёритилади.

Хуллас, айтиб ўтилган санадан то 908 (1502) йилнинг бошигача мўгул улуси тинчлик-омонликда умр кечирди. Гапнинг лўндаси шуки, менинг отам – Мухаммад Хусайн кўрагон ибн Мухаммад Хайдар кўрагон, яъни улуг амир, тахт ва қилич соҳиби амир Саид Алининг ўғли, ибн амир Саид Аҳмад унинг отаси эса муқаддас шаҳарлар бўлган Макка ва Мадина йўлларини яхши билган, Аллох иноятига сазовор бўлган, ҳамиша Аллох мадади билан иш юритиб келган Амир Худойдод ибн амир Буложи эди (ҳамиша Аллох уларнинг юзларини иймон нури билан ёритсин). Ўша амир Буложи исломни қабул қилиб, икки дунёда иймон нурига сазовор бўлган. Оят: «Уларнинг юзларида сажда изидан қолган белги-аломатлари бордир» (48.29). Менинг отам халқ ҳукмдори, Аллох ёрлақан улуг хон Султон Маҳмудхоннинг хизматига мушарраф бўлган зотдир. Султон Маҳмудхон ибн Юнусхон ибн Увайсхон ибн Шерали Ўғлон ибн Мухаммадхон ибн Хизр Хожахон ибн Туглук Темурхон (Аллох уларнинг юзларини иймон нури билан ёритсин). Ана ўша Туглук Темурхон, ана шу бахтли инсон, Шарк мамлакатларидаги қофирлик зулматини ислом қуёши билан ёритди ва мазкур «Тарих»нинг асосий кисми ўша табарруқ инсон ҳукмдорлиги, ҳидоят ва саодати баёнидан иборат бўлади (Аллох гўрини нурга гарқ қилсин).

Султон Маҳмудхон (Илоҳим унинг шажараси узилмасин) менинг отамга турли-туман илтифотлар кўрсатиб, алоҳида эътибор қилиб келган, бу «Тарих»нинг асосий кисмида ёритилади, иншооллох. Ушбу марҳаматларнинг бир кўриниши: унга хон қуёвининг фахрли тўнини қийғизиби, ўзидан бир ёш катта опаси Хўб Нигор хонимни отамга никоҳлаб берган. Бу никоҳ, агар адашмасам, 809 (1493-1494) йилда Шошда ўқилган. Никоҳ ўқилгандан кейин отамга Усрушна (Истаравшан), ҳозир Ўратепа номи билан аталувчи вилоятни ўзига

бўйсундира олиши мумкин бўлган ҳамма нарсаси билан бериб, унга жавоб берган. Отам тўккиз йил ўша вилоятга ҳокимлик килди. Бу орада кўп воқеалар бўлиб ўтди.

Ҳокимлигининг олтинчи йилида фақир банда дунёга келдим. Зийрак инсонларнинг назаридан четда қолмагани, ўша давр ҳукмдорлари ҳақида, қайсиси қаерда бўлганлиги ҳақида қискача тўхталмасак, бўлиб ўтган воқеалар баёни тушунарли бўлмай қолади. Қискаси, ўша даврда пойтахти Андижон бўлган Фарғона вилоятида Султон Абусаид кўрагон ўғли Умаршайх мирзо кўрагон вафотидан кейин Умаршайх мирзонинг ўғиллари Захириддин Мухаммад Бобур Подшоҳи Ғози билан ноиб Жаҳонгир мирзо ораларида, ёш бўлишларига қарамай амирларнинг қелишмовчиликлари туфайли мудом душманлик ва тўқнашувлар бўлиб турган, кўплаб ғалабаю мағлубиятлар бўлган. Бу воқеаларнинг айримлари ушбу «Тарих»да зикр этилади.

Самарқанд ва Бухоро вилоятларида Султон Абусаид кўрагон ўғли Султон Маҳмуд кўрагон ўғиллари бўлган Бойсунгур мирзо билан Султон Али мирзо ҳамда Шоҳибекхон ибн Шоҳ Будог султон ибн Абулхайрхон, яъни Жўжи тахтида ўз замонида бундан улуғроқ киши бўлмаган, – ўша учта ҳукмдорлар ўртасида беҳисоб тўқнашувлар бўлиб турганки, булар ҳам «Тарих» охирида ёритилади.

Хуросонда эса Султон Хусайн мирзо подшоҳлик тахтида барқарор ҳукм суради. Гоҳо у билан ўғиллари ўртасида қаттиқ тўқнашувлар қанчалик кўтарилиб турар, бироқ Султон Хусайн мирзо ўз зукколиги ва қиличнинг зулматни қесувчи нури билан уни тарқатиб юборарди.

Ироқда Султон Яъқуб ибн Узун Ҳасан вафотидан сўнг шахзодалар ёш бўлганликлари боис подшоҳлик инқирозга учрайди. Шунда Шоҳ Исмоил майдонга чиқди, у зўравонлик қилди, ёруғ оламнинг заҳар-заққуми эди. У ўзга подшоҳлар сулоласини томири билан қуритди. Мусулмон дини ва мусулмон давлати тасарруфидаги обод, қуллаб-яшнаган жойлар бузилиб, инқирозга юз тутди.

Дашти Қипчоқда ва Жўжихон улусида Бурундукхон бўлиб, барча ҳукмдорлар унга тобеъ бўлиб, лашкарининг қўлигидан ёмғир томчилари билан рақобат қилса бўларди. У ва мўғуллар орасида бўлиб ўтган воқеалар бундан кейин ёритилади.

Шоҳда, яъни Тошқанд номли машҳур вилоятда Султон Маҳмудхон ҳукмдор эди.

Султон Маҳмудхоннинг отаси Султон Юнусхон ҳақида қискача тўхталмасак, ҳикоямиз тартиби бузилади, чунки кўп ўринлардаги тасвирлар у билан боғлиқ бўлади. Бу ҳақдаги сўз қуйида келади.

Иккинчи қисм. Юнусхоннинг хон бўлгани, унинг ҳаёти ва фарзандларининг қиссаси баёни.

Султон Юнусхон барча қизлар хонлари ичида энг машҳури ва энг мислсизидир. Жуда кўп соҳаларда қиёслаганда унга ва унинг оиласига ўхшаши унча бўлмаган. Масалан, қизлар хонларидан бирортаси ҳам унча қирқ ёшдан ошмаган, қўллари қаттиқ қирқ ёшга ҳам етмаган, бу саодатманд хон эса етмиш тўрт йил умр кўрган. Умри охирида тавба қилиб, тариқат йўлини тутган. У дин пешволарининг саждагоҳи, Аллоҳ назари тушган инсон Носириддин Убайдуллоҳ ҳазратларига (Аллоҳ ғўрини нурафшон қилсин) қўл берган. Ушбу «Тарих»нинг қаерида «Ҳазрат Эшон» дейилса, Ҳожа ҳазратлари қўзда тутилади. Хон ўз эътиқодида шу қадар маҳкам бўлганки, ўзини фаришталар макон

тутган хазрат остонасидаги хизматкорлар каторига кўйган.

Бугина эмас. У ўша даврнинг кўплаб шайхлари билан учрашиш ва суҳбатлашишга мушарраф бўлган. У табаррук зот бир канча фазилатлар билан безанган эди: у Куръонни кироат килган ва кўчирган, шоирлик иктидорига эга, хушсуҳбат, хуштабиат киши бўлган, илми муаммодан хабардор, хушхат, мусаввир ҳам бўлган, шунингдек, факат нозик табиатли кишиларгагина хос кобилият эгаси ҳам бўлиб, чунончи, мусикий асбобларни чалиш ва ашула айтишда ҳам мумтоз бўлган.

У ўн икки йил давомида Мавлоно Шарафиддин Али Яздий хузурида унинг шогирди бўлган. У мусофир юртларни кўп кезган, саёхатлар килган. Унинг мусофирликдаги ҳаёти, турли мамлакатларда олган билимлари «Тарих»нинг асосий қисмида баён қилинади, иншооллох. У яна гўзал маънавий ҳислатлар билан безанган, олийҳимматли киши бўлган. Ушбу фазилатлар билан бир каторда, сезгирликда, мислсиз зийракликда, матонатда ва ақл-фаросатлилиқда, жасурликда тенги бўлмаган. Айникса, мерганликда тенгсиз бўлган. Кискаси, унинг авлодида унга ўхшаши бўлмаган (Аллох унинг юзини иймон нури билан ёритсин ва гўрини нурга тўлдирсин).

Хон хазрати олийларининг еттита фарзанди бўлган. Биринчиси – Меҳр Нигор хоним, уни Султон Ахмад мирзога берган. Ундан фарзандлар колмаган. Иккинчиси – Кутлуг Нигор хоним, уни Умаршайх мирзога узатган. Ундан иккита фарзанд колган: бири – Хонзода бегим, иккинчиси – Бобур Подшоҳ, унинг маънавий улуглиги ва саъй-ҳаракатларидан ёруғ оламга кўп наф етмокда, – булар «Тарих»нинг асосий қисмида ёритилади, бу ердаги киска тасвирда эса мавзу доирасидагина тўхталамиз. Учинчиси – Хўб Нигор хоним, аввал айтиб ўтганимиздек, уни фақир банданинг отаси билан никоҳ ришталари орқали боғлашган. Тўртинчиси – Султон Махмудхон, унинг ҳаётининг кискача баёни кейинрок келади. Бешинчиси – Султон Ахмадхон, Олачахон номи билан машхур, у ҳақда кейинрок сўз юритамиз. Олтинчиси – Султон Нигор хоним, уни Султон Махмуд мирзо ибн Абусаид мирзога беришган, ундан Мирзохон исмли бир ўғил бўлган, бунинг ўғли Сулаймоншоҳ, ҳозир Бадахшонда подшоҳлик килмокда; еттинчиси – Давлат Султон хоним – Тошканд олинган пайтда у Шоҳибекхон ўғли Темур султон кўлига тушган, унинг ҳаёти кейин баён этилади.

Учинчи фасл. Султон Юнусхон хонлигининг тугаши, унинг фарзандлари, Султон Махмудхоннинг подшоҳлиги ва ишларининг инкирозга кетиши баёни.

Юнусхон ҳукмронлигининг дастлабки даврида барча мўғуллар эски удумлари бўйича яшашар, кўчманчи ҳаёт кечиришар, шаҳарлардан кочишарди. Кўплаб мўғулларда мусулмончилиқнинг номидан бўлак ҳеч бир белги йўқ эди, ҳатто номи ҳам йўқ эди, бундайларни барча вилоятларда бошқа кофирлар сингари кулларга айлантеришган, кулдек сотишган. Хон Эшон хазратларига бўйин эгиб, унинг хизматиға кирганидан сўнг Эшон хазратлари барча кўшни мусулмон давлатлари подшоҳларига: «Биз Султон Юнусхонни кўрдик, бундай мусулмон одам подшоҳлик киладиган халқни кулга айлантериш ноҳоиздир» деган мазмунда хат жўнатган. Шундан сўнг барча ислом мамлакатларида мўғулларни кул қилиб сотиш ва сотиб олиш бекор қилинди. Хуллас, мўғуллар мана шундай халқ бўлган.

Юнусхон шунга қарор қилдики, халқ вилоятларга ўрнашиб, ўтроқ ҳаёт кечирмаса, у

мусулмончиликка ҳеч қачон мослаша олмайдди. Шу фикрга таяниб, у ўзи хоҳлаган ишни амалга ошириш учун катта саъй-ҳаракатлар қилди. Бу орада хон мўғулларни Тошқандга олиб кета бошлаганида, бир ғуруҳ бузғунчи мўғуллар унинг кичик ўғли Султон Аҳмадхонни олиб, Мўғулистонга қочиб кетишди ва ўша ёқда қолишди. Хон катта ўғли Султон Маҳмудхон ва қолган мўғул улуси билан бирга Тошқандга қолди. Бу воқеаларнинг муфассал баёни вақтни қўп олади, уларнинг бу қисқа фаслда тасвирлаш бизни мақсаддан четлаштиради, шу сабабли уларни «Тарих»нинг асосий қисмида ёритамиз, иншооллоҳ.

Яратган Раббим Султон Юнусхонни ўз ҳузурига чақирғач, у жонини Яратганга, хонликни эса Султон Маҳмудхонга (Аллоҳ ғўрини нурга тўлдирсин) топширди. Мўғулларнинг удумига қўра, Султон Маҳмудхонни хонлик тахтига, ҳоконлик маснадига ўтказдилар. Одатда, отадан қолган нарсанинг қадрига етмайдиган қорисларда бўлганидек, хон ҳам улуг амирларга ёмон муносабатда бўлиб, отасига хизмат қилган амирларнинг қўпини йўқотди. Хонни ўзларига оғдириб олган пасткаш одамлар туфайли барча эски дўстлар четлаштирилиб, ўзларини янги дўстлар деб атаган эски душманлар шу қадар томир отишдики, Султон Маҳмудхоннинг уларга қарши қурашишга, ҳатто ўз салтанатини сақлаб қолишга қурби етмай қолди. Бу ҳақдаги хабар Олачахоннинг қулогига етиб борғач, қарчи ўзининг қўли остидаги Мўғулистонда ҳам исёнчилар ва бузғунчилар бўлиши ва уларни даф қилиши лозим бўлса-да, у ўз ўрнига катта ўғли Мансурхонни қолдириб, ўзи ақаси ҳузурига жўнади. 907 (1501-1502) йилда хонлик осмонининг қуёши билан тўлин ой саодат буржида яқинлашиб, икки хон бир-бири билан қўришдилар. Бундан душманларнинг тубан қўнғили ларзага қолди.

Қичиқ хон – Султон Аҳмадхон қелишидан бир ярим йил олдин фақир банданинг онаси бу ўтқинчи дунёдан абадиятга қаратилди. Унинг олти фарзанди бўлиб, иккитаси қичиқлигида қобул бўлишган, тўрттаси қолган эди. Улардан ҳар бирининг ҳаёти алоҳида баён қилинади.

Қаминанинг ҳаётимдаги энг қаройиб воқеалардан бири шуки, қичиқналигимда қавосил билан жуда қаттиқ оғриган эканман, табиблар ҳатто тузалиб қетишимга ҳам қумон қилишган. Ота-онамнинг қунғача тўртта қиз фарзандлари бўлиб, жуда қўп азиз-авлиёларнинг қозорларига бош қуриб, ўша қаврдаги авлиё одамларга ялиниб-ёлқориб, меҳрибон Аллоҳдан ўғил сўрашган экан. Аллоҳ уларнинг илтижоларини эшитиб, мен фақирни берган экан. Шунинг учун ота-онам мени беҳад асраб-авайлашган. Қасаллик зўрайғач, улар қумид қироғи қўринган барча қойларга қарз-қийозлар қилишган ва қиҳоят, Қавлоно Қуҳаммад Қози қазратларининг қадими шарифларини қавоф қилишадик, бу қиши Ўбайдуллоҳ Ёшон қазратларининг улуг аҳбобларидан бири эди. Қазрат Ёшон қилсилалари шу қишига қолган эди. Қозирғи қунда қўплаб қалқларнинг Қазрат Ёшоннинг (Аллоҳ қилларини муқаддас қилсин) қасаввуф қилсиласига издошлиққа мушарраф бўлганлари ҳам ана шу Қавлононинг ва аҳбобларининг қизматларидир

Қавлоно (Қуҳаммад Қози) қазратлари ўз қотий олижаноблиқлари боис бизниқига қадим қанжиде қилдилар. Фақирни унинг Қасиҳназар ҳузурига қелтирганларида, у узок ўйга толиб қолади. У қашқарига қикқач, ағар Қирзонинг ўғли шу аҳволда эканлиғини қилганимда, қелмаган бўлардим, дейди. У ҳеч қандай қори-қармон бўрмайдик, қакат қарҳез бўюради-да, қетади. Ёртасига ёрталаб, у қизматқорларидан бирини ота-онамнинг ҳузурига қоборади ва: «Қор, Қирзо билан Қонимдан қуюнқи ол – Меҳрибон Аллоҳ таоло уларнинг ўғлига ўз қазл-қарамининг қорихонақидан қаломатлик шарбатини ва ҳаёт

насибасини берди» дейди. Бундай хушхабар ота-онамга етгач, улар дархол хазратнинг хонакохлари останашига бориб, назр-ниёзларини бериб, дуо олиб келишади. Ўша куниёк тузалиш белгилари пайдо бўлиб, мана хозиргача бавосил билан бирор марта огримадим. Сир эмаски, бу ишда иккита каромат зохир бўлди, бири – дори ишлатмай согайдим, иккинчиси – касаллик бирор марта кайталанмади. Булар чиндан ҳам Аллохнинг кароматларидир, негаки бавосил – бир умрлик касалликдир. Шундан бошлаб Мавлоно хазратлари бутун умри давомида бу факир бандага гамхўрлик килдилар. Хар бир килган ишлари ўз ўрнида баён килинади.

Онам хаёт гавхарини охират хазинашига топширган пайтда Султон Махмудхоннинг мулохазасизларча мадади билан Бухоро ва Самаркандни Шоҳибекхон истило килиб, теурий султонлари, хусусан, Султон Махмудхоннинг жияни, унга худди ўгилдек бўлиб колган Бобур Подшоҳ ҳам маглуб бўлди. Бундан ташкари, Шоҳибекхон итоаткор дўстликни исён ва гурур дабдабасига алмаштириб, ихтилоф ногорасини ошкора чалишга ўтди.

Бу орада хоннинг бўшанглиги туфайли Умаршайх мирзо мулозимларидан Султон Аҳмад Танбал, гарчи у мўгул амирларидан бўлса-да, Андижондаги исёнга бошчилик килиб, мухолифатнинг ўқини салтанат тарафига караб ота бошлади. Унга карши хар иккала хон кўзгалишди.

Султон Махмудхон ўз ўгли Султон Мухаммад султонни Тошкандда ўз ўрнида душманларга карши туриш учун кўйиб, отамни Ўратепада Шоҳибекхонга карши туриш учун кўйган ва Шоҳибекхон бу икки лашкар орасидан ўтиб келолмайди, деб ўйлаган эди. Холбуки, Шоҳибекхон бундай фурсатни ганимат билди: «Хеч қачон бу икки хонни бундай оз лашкар билан тополмайман» деб, Самарканддан лашкарлари билан Фаргонага юриш килди, бу юришларда Ўратепа усти билан келди. Халк уларни шаҳарни босиб олишга келди, деб гумон килиб, шаҳарни бекитиб, уларга карши курашишга тайёрланди. Шоҳибекхон аср намози пайтида шаҳар яқинига келиб тушди. Буюк осмон ёриткичи олам юзидан ўз ёркин нурларини йиғиштириб олиб, одамлар кўзига тун коронгулигини туширганида, у шошилишча йўлга тушди, калъадаги халк унинг қаёққа кетганини аниқлагунича у бир неча фарсах йўл босиб кўйди. Унинг Фаргонага кетгани аниқ бўлгач, ортидан кетма-кет хабарчилар юбориб, унинг бораётганини хонга билдиришди. Тошканд ва Ўратепа лашкарларига ҳаракат килишга фурсат колмади.

Хонларда бор-йўғи ўн беш минг киши бор эди, чунки ўтган йили улар Танбалга карши урушиб, уларни яхшигина савалаган, шу билан унинг куч-қуввати ҳам, шон-шухрати ҳам колмаган эди. Бундай аҳволда Танбал қочишни афзал кўради, деган ўйда улар ўзлари билан Бобур Подшоҳни бирга олишган, мақсадлари уни отасининг тахтига ўтказиб, орқага қайтиш эди. Хонлар хали Андижонга етмай туриб, Танбалнинг ақаси Шайх Боязид мустаҳкамлаб олган вилоят қалъаларидан бири Аҳси қалъасига келишганда Танбал хонларга итоат килди, шу сабабли улар ўша қалъа яқинида тўхташди. Шу пайтда Шоҳибекхон ўттиз минг яхши курулланган лашкар ҳамда шахзодалар Кўчум султон, Суюнжик султон, Жонибек султон ва бошқалар билан етиб келди. Хонлар ҳам сафга тизилиб, жангга киришдилар. Душман лашкари ичида кўплаб тажрибали лашкарбошилар бўлгани ва лашкар сони хонлар лашкаридан анча ортиқлиги боис хонлар енгилди.

Мисра:

Илоҳо, дардмандга шикаст узра шикаст етмасин.

Хонларнинг отлари холсизланиб, икковлари ҳам асир тушишди, Бобур Подшоҳ эса Фаргона жанубидаги тоғларга кетди.

Шохибекхон Тошкандни эгаллагач, илтифот кўрсатиб, хонларга енгиллик берди, гўё «мана мен сизларнинг мададларингиз билан галаба қозониб, сизларни асир олдим, аммо ўлдирмай, қўйиб юбордим» демокчи бўлди. Шунда бир амалдор хақидаги хикоя эсга тушиб қолдики, бир ҳоким унинг мулкини мусодара қилади. Иш шу даражага бориб етадики, уни ҳар хил қийноқларга дучор қилишади. Бир мурувватли одамнинг унга раҳми қелиб, уни солиқ йигувчилар қўлидан мусодара баҳосида сотиб олади-да, уйига олиб бориб, унга турли меҳрибонликлар кўрсатади. Бир куни шу сотиб олинган одам ўғли билан у ёқдан бу ёқдан гаплашиб ўтиришганида кутқариб олган одам (уй эгаси) эшик орқасида қулоқ солиб турган бўлади. «Бу жанобнинг бизга қилган яхшиликлари ва илтифотларини биз қандай қилиб ҳудди шундай қайтара оламиз» деб сўрайди ўғли. Отаси эса, биз тагин амалга эришсак, бу осон бўлади, деб жавоб беради. Ўғли яна: «Бундай катта илтифотга қандай қилиб жавоб қайтарамиз?» деб сўрайди. Отаси: «Биз тагин амалдор бўлсак, бу жанобга катта солиқ соламиз ва уни солиқ ундирувчилар қўлига топшириб, мулкини мусодара қилишни буюрамиз. Ахвол жуда оғирлашганда, биз ундаги бор нарсани оламиз-да, уни қолган солиқдан озод қиламиз, шу билан у биздан миннатдор бўлади» дейди.

Хуллас, хонларнинг қўлга тушгани хабари Тошқандга етгач, Султон Муҳаммад султон имкони бўлган ҳамма нарсани – аҳли аёли, одамлари ва мўғул улусини ўзи билан олиб, Мўғулистонга кетди. Менинг отам билан амаким ҳам қўлга илинган қимматбаҳо нарсаларни олиб, уларнинг орқасидан йўлга тушишди.

Хонларни қўлга олган вақтида Шохибекхон: «То шу вақтгача хонлар наслидан бир аёлга никоҳланишни илтимос қилиб келгандим, қабул бўлмади. Энди унинг бадалига уч аёлни никоҳ қилиб берасизлар» деб, хоннинг, бундан олдин Юнусхоннинг фарзандларини санаб ўтганимизда тилга олинган Давлат Султон хоним исмли энг кичик синглисини ўзининг ўғли Темур султонга никоҳлаб берди, яна хоннинг икки пок ва ифбатлик қуёшсифат хонимларидан бирини ўзига ва бирини Жонибек султонга никоҳлади. Ўзига никоҳлаб олган хонининг исми Мўғулистонда Мўғулхоним номи билан танилган Ойша Султон хоним, Жонибек султон уйлангани эса Қутлук хоним эди. Уларнинг фарзандлари бор, улар ҳозир Мовароуннаҳрда ҳукмронлик қилишади. Хонлар ўзларининг асосий манзилгоҳлари бўлган Мўғулистонга қелишгач, кичик хон қасал бўлиб қолди, қасаллик унинг ҳаётига яқун ясади ва у хонлик тахтини тобутга алмаштирди ҳамда подшолик гулшанидан жаннат майсазорига равона бўлди. Бу воқеа 909 (1504) йилнинг охирида содир бўлди.

Фақир банда бир куни ўша мамлакатнинг отамерос шайхулисломи, чинакамига буюқ ва табаррук инсон, қўплаб фазилатларнинг соҳиби Хожа Тожддин Муҳаммаддан эшитган эдимки, у шундай деганди: «Хон қасал ётган кунлари мен у билан ёлғиз қолганимда унга айтдимки, одамларнинг гапларига қараганда гўё Шохибекхон сизнинг овқатингизга захар қўшиб берганмиш, Хитойдан захарга қарши синовдан ўтган дори олиб қелиб, сизни даволасам, деган фикрдаман, деган эдим». Хон: «Ҳа, Шохибекхон мени захарлади, бу захар шундан иборатки, Шохибекхон қуйи табақадан юқори табақга қўтарилди. У бизни, иккала ака-укани қўлга туширди, асир олди ва озод қилди, бундай шармандалиқдан бутун танамни дард эгаллади. Агар мана шу захарга қарши тарёқ бўлса, фойда қилган бўлар эди» деб жавоб берди.

Султон Аҳмадхоннинг ўн саккизта ўғли бўлиб, энг каттаси Мансурхон эди. 909 (1503-1504) йилдан то ҳозиргача, яъни 948 (1541-1542) йилгача у отасидан қолган вилоятда подшоҳлик қилмоқда. У билан боғлиқ воқеалар мана шу китобда баён

килинади. Иккинчиси – Искандар султон, отасидан кейин у ҳам ўз ажали билан вафот этиб, отасининг ортидан кетди. Учинчиси – Султон Саидхон. Унинг хаёти хали баён килинади. Ушбу киска баённинг каерида «хон» дейилса, Султон Саидхон кўзда тутилади. Тўртинчиси – Бобожок султон, хозиргача Мансурхон хизматидадир. Бешинчиси – Шайх Мухаммад султон. 940 (1533-1534) йилдан кейинги зилзила пайтида унинг бир нечта фарзандлари ва хотинлари устига уй кулаб тушган. Олтинчиси – Султон Халил султон. Унинг хаётига тегишли айрим воқеалар Султон Саидхон зикрида тилга олинади. Еттинчиси – Эмин Хожа султон. Бу ҳақда ҳам Султон Саидхон зикрида тўхталамиз. Саккизинчиси – Чин Темур султон. У узок муддат Мансурхон хизматида бўлди, охири ундан кочиб кетиб, Султон Саидхон хизматида ўтди. Мансурхон уни қайтаришларини талаб қилди, тагин кочиб кетди. Нихоят у кочиб, Хиндистонга, Бобур Подшоҳ ёнига кетди. У қўп хайрли ишлар қилди. Подшоҳ унга катта ҳурмат-эътибор қўрсатди. У ичбуруғ касалига йўлиқиб, Аграда вафот этди ва ўша ерга дафн қилинган. Тўккизинчиси – Юсун Темур султон, у ҳам акасига ўхшаб, икки хон ўртасида юришдан безор бўлиб, қозоқлар орасига кочиб кетди. У ёқдан Турон ва Эронга борди, кейин Бухорога Ўбайдуллохон хизматида борди, ундан кочиб, Бобур Подшоҳ ҳузурига кетди, Подшоҳ шахзодага ҳурмат-эътибор қўрсатди. У ҳозир Хиндистонда. Ўнинчиси – Тўхта Буга султон. У ҳам Хиндистонга кетиб, ўз ажали билан ўлди ва акаси сафига қўшилиб, жаннатдан жой олди. Қолган саккизта ўғиллари гўдақлик пайтларида вафот этишган. Султон Аҳмадхоннинг учта қизи бўлган. Биринчиси – Лаъл Шод хоним, унинг онаси қуллар тоифасидан бўлган. Гарчи у аслзодалар доирасига мансуб бўлмаса-да, уни амир Жабборбердиннинг ўғли Мухаммад Амин мирзога беришган, у дўғлатлардан бўлиб, Олачахон салтанатида улар ўзлуксиз улусбеги бўлиб қелишган. Иккинчиси – Мохим хоним; уни Адик султоннинг ўғли Бўйлашхонга беришган. Учинчи қизини бу фақир бандага беришган эди, унинг зикри кейин қелади. Тўртинчиси – Хадича Султон хоним. Султон Аҳмадхон вафот этгач, у Олачахоннинг қароргоҳи бўлган Оксувни эгаллаган Абобакр мирзо қўлига тушган. Мирзо унга яхши муносабатда бўлиб, ўғли Жаҳонгир мирзога никохлаб берган. Жаҳонгир мирзо ўлдирилгач, уни Султон Маҳмудхон ўғли Султон Мухаммад султон ўғли Шох Мухаммад султонга никохлаб беришган, бунинг баёни кейин қелади, иншооллоҳ.

Тўртинчи фасл. Султон Маҳмудхон ва унинг ўғилларининг шахид бўлиши баёни.

Олачахон оламдан ўтгач, Султон Маҳмудхон укасининг ўғилларига унга тегишли халқлар ва вилоятларни Хитой чегарасидан тортиб Қошғар, Турфон, Жолис, Қунжи, Оксув, Учгача бериб, ўзи эса унча-мунча қолган одамлари билан Мўғулистон қўлларига кетди. У беш йилни Мўғулистонда ўтказди, бу пайтда ҳеч бир муҳим воқеа содир бўлмади. Хоннинг ёруғ қунини қоронғи қечага айлантирган ўша пасткаш одамлар, сизга Шоҳибекхон мадад беради, деган фикрни хоннинг миясига сингдиришди, агар шундай қилмаса ҳам бизга бирор гўшадан жой берар, дейишди. Амаким (Аллоҳ унинг гуноҳларини мағфират қилсин) менга: «Бир қуни Олачахоннинг ўлиmidан кейин Оксувда Султон Маҳмудхон мажлисида иштирок этдим. У менга қараб, Оксувнинг подшоҳлигидан Тошқанднинг хизматқорлиги афзал, деди. Мен, ҳа, афзал, агар сизга Тошқандда хизматқорликни беришса» дедим. Бу сўзлардан хон қаттиқ ҳафа бўлди. Атрофдаги

пасткаш одамлар охири хонни Фаргонага олиб келишди. Бу хабар Шоҳибекхонга етган, бу пайтда у Тусдаги Родкон сайхонлигида эди. Шайбонийхон дархол одам жўнатди (ўша тарафда унинг одамлари бор эди). Хон Хўжандга кетаётганда, улар хонни ва унинг бешта норасида фарзандини тутиб ўлдиришди. Уларнинг шаҳид бўлган йили «Лаби дарёи Хўжанд» (Хўжанд дарёси соҳили) сўзларида ифода этилиб, тарих бўлган. Бу воқеалар хали ёритилади.

Султон Маҳмудхоннинг олти ўғли бўлиб, бештаси отаси билан бирга шаҳид бўлишган, энг катта ўғли Султон Муҳаммад султон эди. Хон Шоҳибекхондан яхшилик кутиб Мўғулистондан жўнаган пайтда Султон Муҳаммад султон отасини бу йўлдан кайтаришга харчанд уринмасин, хон бунга қўнмаган, шунда у отасидан ажралиб, Мўғулистонда қолган. Унинг бошига ҳам бахтсизликлар тушган, булар «Тарих»нинг асосий қисмида айтилади, иншооллох.

Охири у Мўғулистонда қололмай, Дашти Кипчокка, Бурундукхон билан Қосимхон олдига равона бўлган. Унинг мулозимлари, эҳтимол Шоҳибекхон Султон Маҳмудхонга ҳомийлик қилгандир, деган умидда йўлни адаштириб уни Тошқандга олиб келишган ва ўзбек уни ҳам отасининг ёнига жаннат боғларига жўнатган. Ундан Шох Муҳаммад султон исми битта ўғил қолган, хон ҳаёти зикрида у ҳақда ҳам тўхталамиз.

Бешинчи фасл. Отам Мирзо Муҳаммад Хусайн кўрагон(Аллох гўрини нурафшон қилсин)нинг қолган ҳаёти баёни.

Хонлар Шоҳибекхон томонидан Аҳсида қўлга олинган пайтда отам Ўратепада эди ва Шоҳибекхон орада бўлгани туфайли отамнинг хонлар билан қўришмоқлик имкони йўқ эди. У истар-истамас ноилож Қойир Тегинга жўнади. Бу пайтда Хисор, Қундуз ва Бадахшонда Султон Маҳмуд ибн Султон Абусаид мирзо амирларидан бири Хисравшоҳ ўтирган эди. Султон Маҳмуд мирзо вафотидан сўнг Хисравшоҳ унинг ўғли Султон Масъуд мирзонинг кўзини қўр қилди. Султон Маҳмуд мирзонинг ўғли Бойсунгур мирзо Самарқанддан қочганида, Хисравшоҳ унга одам юбориб, қилган ишидан пушаймонлигини билдирди ва: «Бунга сабаб менинг ўз ҳаётим учун қўрққаним бўлди, чунки Султон Масъуд мирзо мени ўлдирмоқчи бўлди. Энди эса, ўша гуноҳимни ювиш учун салтанат манфаати йўлида шундай ишлар қиламанки, лаънату таъналарга лойиқ қабил ишлар қанчалик қўп бўлмасин, менинг яхши ишларим одамларнинг мактовлари ва шукроналигига сабаб бўлади» деган гапларни айтди. У ана шундай алдовлар билан шунчалик ишонтирдикки, Бойсунгур мирзо ҳам унга ишонди ва Хисравшоҳ фурсатни бой бермай, шундай фозил шахзодани худди ёй ўқидай қамонга ўрнатиб, боқий дунёга қарата отди. Хисравшоҳ Султон Маҳмуд мирзонинг барча вилоятларини ўз тасарруфига олиб, ўзича гурур осмонида уца бошлади. У ана шундай мустақиллик наҳидасини суриб юрганида отам Қойир Тегинга йўл олган эди. Хисравшоҳ у билан учрашмоқчи бўлди, шунинг учун отам Хисорга борди, Хисравшоҳ эса, уни кутиб олиш учун Боғи Чинорга қелди. У отамга беҳад иззат-икромлар қўрсатиб айтдики: «Сизнинг бу ерга қадам қўйишда қилганингиз Аллохнинг иноятидир, негаки ҳозир Шоҳибекхон қолиб бўлган пайтдир. У ҳозир Андижон ва Самарқанд тарафлардан хотиржам бўлиб, бу ўлкаларга қўз тикмоқда. Шу пайтгача биз ўзбеклар билан жанг қилмаганмиз, уларнинг жанг қилиш усулларини қилмаймиз. Хар бир қавмнинг жангда бўлсин, оддий мулоқотда бўлсин,

макон ва замонга караб турлича одатлари бўладики, ўша одатни киши билиб олмагунча ўша кавмга каршилиқ кўрсатиш осон бўлмайди. Сизлар улар билан кайта-кайта гоҳ жанг қилдинглар, гоҳ сулҳ туздинглар, ўрталарингда галаба ҳам бўлди, мағлубиятлар ҳам бўлди. Мана энди, сиз нимани маъкул топсангиз, бизга айтинг, биз шунга амал қиламиз. Бизнинг салтанатимизнинг мустақамлиги сизнинг кучингизга боғлиқ бўлади. Агар келиша оласан, Султон Ахмад мирзонинг кизи, менинг подшоҳзодам Султоним бегимни сизга тортиқ қиламиз, бу ўзаро ёрдам ва ишончнинг ҳақиқий қафолати бўлади». Мана шундай пуч сўзлардан у бутун бир кўргон ясаб, шу йўл билан бу никоҳни муқаррар қилди. Тошканд ва Ўратепанинг оқиниши асосан, саратонда юз берган, айтиб ўтилган ишлар эса, афтидан, мезон охирида бўлиб ўтган.

Бу орада Шохибекхоннинг бостириб келиши ҳақида хабар келиб қолди. Хисравшоҳнинг одамлари пароканда бўлиб кетишди – қимнинг қалъаси бўлса, бекиниб олди, қимда бўлмаса, тоққа, қор ва дараларга яширинди. Хисравшоҳнинг одамлари тумтарақай бўлгач, отам ҳам Қойир Тегиннинг қаланд тоғларига қочиқ кетди. У тоғларда қиш жуда қаттиқ бўлади. Отам қорган вақтда қор шунчалиқ қўп ёғдики, бир ойгача ҳаво очилмади. Қорнинг қалинлиги ўн икки қариқча етди. Ўйларга ёқи дараларга жойлашиб олган одамлар, ҳеч қайққа қиколмай қилишди.

Шохибекхон бу келишида Хисравшоҳни енгил мақсади йўқ эди. У қақат, Хисравшоҳ унга қарши қураша оладими-йўқми, шуни қилмоқчи эди. Бу вақтда у Хисравшоҳни яна шунинг учун ҳам безовта қилмадики, у қўлига қандай ўлжа тушса, бўридек тишлаб олди-ю кетди. У бу тарафларга янақи сафар қелганида Хисравшоҳнинг одамларини бир сермашда пащадек қириб юборишини қиларди. Ўша қиш Хуросонни ҳам бир текшириб қикмоқни хохлади.

Йикқан ўлжасини олиб у Балх тарафга жўнади. Балхнинг ҳоқими Султон Қуличок бўлиб, у Султон Хусайн мирзо ўғли Бадиуззамон мирзо номидан ҳуқмронлик қиларди.

Шохибекхон Балхни қамал қилди ва қиш бўйи уни қамалда тутди. Хуросон қалқи харқанд уринмасин, унинг ёнига яқинлашиб, Балхни озод қилолмади.

Ўша қиш Шохибекхон Хисравшоҳ билан Хуросон қалқини синов тарозисига қўйиб тушундики, уларнинг бирортаси ҳам ўзига тенг қелолмас экан. Шохибекхон Балх қамали билан машқул бўлган пайтда, унинг Хисравшоҳга зарар етқазмаслигини тушунишиб, Хисравшоҳнинг одамлари яна йигилиб қелишди ва унинг ишлари изга туша бошлади. У Шохибекхонга тинмай элчилар ва хатлар юбориб, ўша давр учун муҳим бўлган хабарларни етқазиб турди. Шохибекхон ҳам ўзи хоҳлаган масалалар бўйича хат орқали ёқи бошқа йўл билан жавоб қайтарди.

Хисравшоҳ қишда ҳавфсизлигидан қўнғли хотиржам бўлган пайтда, Қойир Тегинда қатта қор тушгани ва одамлар ҳеч қайққа қилолмай ётишгани ҳақида хабар қелди. У ўша ёққа уқаси Мир Вали бошчилигида йигирма минг қишини жўнатди. Қойир Тегиндагилар бу тарафдан ҳеч қандай ҳавф йўқлигига ишонқлари қомил эди, шунинг учун хар бир қиши бир-биридан яқинми-узоқми, ўз жойида ўтирарди. Улар Хисравшоҳнинг лашқари қелаётганидан хабар топишгач, имқон тополганлари дарқол тўпланишди; беш юзтача одам тўпланиб, йўлни тўсишди. Қор шу даражада қуқур эдики, йўлдан қикишнинг иложи йўқ эди; иққала тараф одамлари отдан тушиб, жанг қила кетишди. Жанг эрталабдан қечгача давом етди. Охири одамларда ўқ тугади, қунқи хар иққала тарафдан отилган ўқ қор иқига қириб кетарди. Душман қўп эди, улар бири кетидан иқкинқиси қелиб, жангга қиришарди. Ўқи тамом бўлган қурух ўрнига бошқа қурух қелиб жанг қиларди. Бу тарафда бор-йўқи битта қурух бўлиб, унинг ҳам ўқи тугаб, шом намази пайтида улар қочиқ

кетишди. Отамнинг амирларидан Богбасар ўғлон, Хушрой кўкалдош ва яна бир канчалари ўк тегиб, халок бўлишди. Отам олти киши билан Кошгар ва Андижон ўртасида жойлашган Фаргона вилоятининг шаркидаги тоғларга кетди. Ўша тоғларда чакрак деган элат яшайдики, улар ўша пайтда кўп сонли бўлиб, чорва моллари кўп бўлган. Кўп ўтмай Абобакр мирзо уларни кириб ташлаган.

Хисравшоҳ бизнинг бор кўчларимиз, хизматкору мулозимларимизни Кундузга кўчирди ва у ерда бир йилни ўтказдик.

Модомики гап шу ергача етган экан, энди Шоҳибекхон хакида кискача тўхталиб ўтиш жоиз, деб ўйлаймиз, акс холда хикоямиз боғланмай қолади.

Олтинчи фасл. Шоҳибекхон ишларининг баёни.

Ўн саккиз минг оламини яратган Хак субхонаху ва таоло ўз олий иродаси билан бирор кимсани подшоҳлик тожи билан сарафроз қилмоқни лозим кўрса, унга ўз тенглари орасида имтиёз берса, бунинг сабабларини у шундай тўғрилайдики, ўша имтиёзга эришган одам учун бунга вазият ҳозирланиб, унинг атрофига жангчилар, жаҳондор ақл эгалари тўплана бошлашади. Бунинг аксича, унинг рақибини гурур ва ёвузлик гирдобига мубтало қилади, барча зийрак одамларни кўр қилади, эшитувчи қулоқларни қар қилади, шу тариқа ота-бола ўртасида, ога-инилар ўртасида қелишмовчилик бошланади. Бундай муқаддимадан мақсад қуйидагидир.

Шоҳибекхон – Шох Будог султоннинг ўғли, бу эса Абулхайрхоннинг ўғлидир. Абулхайрхон вафотидан кейин ортида қолган унинг одамлари ўртасида қарама-қаршиликлар бошланиб, ҳар қим ҳар тарафга кетди. Барча аслзода, султонзода ва шахзодалар тумтарақай бўлиб кетишди, ҳолбуки, халқ уларнинг қучига ишонган эди.

Бунинг қиска баёни бундай: Шоҳибекхон синиб, узок сарсонликлардан кейин ҳеч иложи қолмагач, Мовароуннаҳрга келди. Ўша пайтда бу ерда подшоҳлик навбати Султон Аҳмад мирзо ибн Султон Абусаид мирзога қолган эди. Султон Аҳмад мирзо омадли подшоҳлардан эди, улуг амирлар, обрў-эътиборли, эзгу ниятли давлат арбоблари унинг хизматида эдилар; улар бошқа ҳукмдорларни ҳам ўз хизматларига тақлиф қилишарди. Шулар орасида Бухоро ҳокими амир Абдулалӣ Тархон ҳам бор эди, Шоҳибекхон шунинг қўлида хизмат қила бошлади. Амир Абдулалӣ уни ўз мулозимлари қаторига қўшди. Бундан бўлак шунга ўхшаш бир қанча султонлар ҳам унинг хизматида ихтиёр қилишди. Мана шундан ҳам Султон Аҳмад мирзонинг буюқлиги ва қуч-қудрати хакида ҳулоса чиқарса бўлади.

Султон Аҳмад мирзо ҳаётлигида Шоҳибекхон Абдулалӣ Тархон мулозимлари қаторида бўлди. Султон Аҳмад мирзо билан Абдулалӣ Тархон деярли бир вақтда Аллоҳга омонатларини топширишгач, Шоҳибекхон Туркистонга бориб, Султон Маҳмудхон эътиборини қозонишга уринди. Хон имқони борича ундан ёрдаму мададини аямади. Унинг қўмагида Шоҳибекхон Бухоро ва Самарқандни олди, унинг лашқари икки-уч юз қишидан эллик минг, эҳтимол, ҳатто олти минг қишига етди. У Туркистонга кетганидан бошлаб, Султон Маҳмудхон ёрдамида унинг қучи ортиб бораверди, султонлару амирлардан энг саралари ва Абулхайрхондан қолган Дашти Қипчоқда тентираб юрган бошқа одамлар у қаерга борса, ўша ерда унга бирлашаверишди.

Шоҳибекхон Самарқанд ва Бухорони олгач, ўз ҳомийсини йўқотиш пайига тушди. Ҳомий

(Султон Махмудхон) эса ўз химоясидаги кимса (Шайбонийхон) олдида ночор ахволда колди. Бунинг хабари Олачахонга етгач, у Мўғулистондан акасига мадад бериш учун келди. Шоҳибекхон қандай қилиб хонни асирга олгани ва қўйиб юборгани бундан олдин қисқача баён қилинган эди. У хон лашқаридаги одамлардан қўлидан келганча ажратиб олди, ўзбек лашқарига ўттиз минг мўғул қўшилди.

Мисра:

Гул бўлди-ю ҳам сабза жилвагар бўлди.

Шоҳибекхон Тошканддан қайтиб, Самаркандда тўхтамай Хисорга Балх камалига кетди, бу ҳақда айтиб ўтилган эди. 909 (1503-1504) йил кишини Балх камалида ўтказиб, эрта баҳорда Самаркандга келди ва икки ойна Самарканд яйловларида ўтказиб, кейин мамлакатларни эгаллаш жиловини Андижон тарафга бурди.

Биринчи йил у хонларни – Султон Махмудхон ва Султон Аҳмадхонни асир олди, Танбал ва Андижон билан шугулланмади, чунки унинг учун энг муҳими Тошканд ишини бир ёқлик қилиш эди. Шу билан бирга, Шайх Боязид хали Тошканд олинмай туриб, Шоҳибекхонга ёқиш учун турли йўллар билан ўз мулозаматини намойиш қилиб, дархол қутиб олишга чиқди. У Танбал номидан ҳам шароит тақозоси билан мулозаматлар қилди. Ўша йили Шоҳибекхон хон шу билан қаноатланиб, орқасига қайтди. У Тошканддан ва мўғуллардан қўнгли тўқ бўлгач, хисорлик ва хуросонликларни қўзлади. Энг аввало Андижонни ва Танбални қўлга олиб, хотиржам Хисор ва Хисравшоҳни олиш учун жўнамокчи бўлдики, бу Хуросонга ўтиш йўлининг бошланиши бўларди.

Шоҳибекхон Фаргона вилоятининг муҳим шаҳарларидан бири Марғилонга етиб келганда, Танбал Фаргонанинг барча қалъаларини ташлаб, бутун қучини Андижон қалъасига қаратди. Бунинг хабари Шоҳибекхонга етгач, у ўз одамлари билан маслаҳат қилди, мулоҳазали одамлар айтишдики, унинг қучларини факат бир жойга қаратгани бизнинг ишимизни осонлаштиради. Улар дархол йўлга тушишди, Танбал қалъада ўтираверади, деб ўйлашди. Шоҳибекхон режага мувофиқ шаҳарни ўзи қамал қилди, қолган одамлари эса Андижон атрофига ҳужум қилиб, уларни талаб, қалъаларини босиб олиш, қалъани бузиб, одамларини ўлдириб қайтиб қелишлари керак эди. Қелгуси йили қелиб, уларни бутунлай йўқ қилмокчи бўлишди. Аммо башорат қўли Танбалнинг ёқасидан олиб, олдинга етаклади. Шундай қилиб, у Андижон қалъасидан очик майдонда жанг қилиш ниятида чиқди. Танбал ўн минг одами билан чиқди. Шоҳибекхон қелганида, лашкарнинг қўплигидан Танбал одамларининг қўзлари қамашди. Улар қалъага қайтиб қиргунларига қадар қўплари ўтқир қилич тигидан Аллоҳ ҳузурига жўнадилар. Танбал эса ақаси билан енгилиб, қочишди ва қалъага беқинишди. Ўша йили факат вилоятни вайрон қилиб, бу билан қелгуси йилги ишни енгиллатиш ниятида қелишган эди, Танбал эса ўз қўли билан фалокатга йўлиқди. Янаги йилга қолдириладиган иш қирқ кун ичида ҳал бўлди.

Шоҳибекхон қамғина қишилар ўз қонлари учун қўрқиб қалъага яшириниб олишганини қўргач, у ишга янаям қаттиқ қиришди ва қамални қучайтирди.

Қойир Тегин тор-мор қилинган, отам у ердан қакрак элати қуртига қетган эди. Энг қайрон қоларлиси шуки, қарчи Танбал Шоҳибекхон қелаётганини қилса-да, Шоҳибекхон билан жангга тайёрланиш ўрнига, отамга қарши қакраклар устига қуриш қилди. Қакраклар отам билан иттифок тузиб, Туруқшорон қарасида ўрнашиб олишди. Танбал қелган, қаторасига ўч қун қаттиқ жанг бўлди. Отамдан шундай гапларни эшитган эдим: «Ўч қун қавомида юз қийла билан қонимни қаклаб қолдим, қеч бўлган, Танбал тагин ҳужум қилса нима бўлади? – дея қаттиқ ўйга қолдим. Қарча ишга қроқли одамлар ўлган ёқи қрадор бўлган, бошқа одам қолмаган. Эртага нима бўлади? Қонг отган, биз қаттиқ қўрқув ичида тоғ

тепасидан караб, Танбалнинг лашкари тўда-тўда бўлиб шошилиш кетаётганини кўрдик. Беҳад қувониб кетдик. Биз дархол пастга ярадор бўлмаган, бўлса ҳам, яраси унча оғир бўлмаган бир неча одамни жўнатдик, улар бир одамни олиб келишди. У, ярим кечада бир одам Шоҳибекхоннинг Кандибодомга яқинлашгани хабарини олиб келганини, шу боисдан Танбал шошилиб кетиб қолганини айтиб берди. Бу хабардан бизга тагин жон кирди ва хурсанд бўлиб кетдик. Шу заҳотиёқ Шоҳибекхонга одам жўнатиб, тақдир тақозоси билан шу ерларда тентираб юрганимизни, хоннинг келганлиги хабарини эшитиб, қайтадан жонланганимизни билдирдик. Бизга нисбатан қандай фармон бўлса, биз бажарамиз, дедик. Бу элчи Андижон камалининг иккинчи куни етиб борган, Шоҳибекхон уни тўхтатмай қабул қилган ва: «У биз томонга иложи бориша тезроқ келсин, уни кўришни жуда-жуда истаймиз» деган. Эҳтимол бормаслигим керакмиди, каттик кўрқардим, аммо бошқа иложим йўқ эди, ўз манфаатимни ўйлаб, яхшилик умидида йўлга тушдим. Хонни кўрганимда у менинг истикболимга чиқиб, катта эъзоз-икромлар билан кутиб олиб қўп шохона илтифотлар кўрсатди, барча амир ва султонларига, Муҳаммад Хусайн қўрагон бизнинг меҳмонимиз, унга меҳмоннавозлик қилинган, деб кўрсатма берди.

Андижон камали давом этган ўша бир неча кун давомида барча амир ва султонлар бизни меҳмон қилишиб, ҳурмат-эътибор кўрсатишди. Қирк биринчи куни тонгда Танбал қалъанинг бир минораси устига чиқиб қичқирди: «Хой мирзом, менинг хизматларимни, болалигимизни эсланг, айтинг, мен нима қилишим керак?». Танбал отамнинг қўқалдоши эди. Отам сўзида давом этди: «У менга нисбатан беҳисоб номаъқулчиликлар қилган, ўртаимизда оғир ҳафачиликлар ётган бўлса-да, мен каттик қуйиндим. Иш қўлдан кетган эди, мен унга: «Нега сен қалъани маҳкамлаб олгансан, ахир ҳозир жанг пайти эмас-ку?» дедим. «Унда нима қилай?» деб сўради у. «Агар сен ўз ожизлигингга тан бериб, бу ёққа тушсанг, тўғри иш бўлади» дедим мен. Шу ерда Темур Султон ҳам бор эди. Танбал шу заҳоти ақа-уқалари билан пастга, саросимада яқин келиб, мени қучоклади.

Унга ортик вақт беришмади, бир соатда ҳаммани тигдан ўтказишди. Кейин қалъа дарвозаларини беркитиб, вақтни ўтказмай қалъани талаб, ўша вилоятни Жонибек Султонга бериб, қайтиб кетишди», дея ҳикоя қилган эди.

Отам Шоҳибекхонга ҳамроҳ бўлиб Самарқандга борди. Бир неча кун улар лашкарнинг қурол-аслаҳаларини тайёрлаб Хисравшоҳ устига қўшин тортишди. Улар Хисорга етишганда, Хисравшоҳ тарбия қилган одамларидан Шерам чухра исмли биттаси Хисор қалъасини маҳкамлаб олди. Шоҳибекхон шахсан ўзи қалъани қамал қилди. Бир неча кундан сўнг Шерам чухра омонлик талаб, пастга тушди ва қалъани топширди. Хон, ўз ваъдасига вафо қилиб, Шерамга омонлик берди. Шерам бир муддат хон хизматида бўлиб, кейин ўз қавмига қўшилиб кетди, унинг кейинги аҳоли номаълум. Лекин қалъа камали билан шахсан ўзи шугулланган хон укаси Маҳмуд султонга лашкари ичидан қим қилишни хоҳласа, ўшани олиб Қундузга йўл олишни буюрди. Чунки Хисравшоҳ аллақачон Қундуз қалъасини турли озик-овқат ва ҳазина билан тўлдирган бўлиб, бутун оламга, мен йигирма йилга етгулик заҳира тўпладим, агар бу ерга қеладиغان ҳамма йўллар қесилса, мен қалъада йигирма йилни бемалол ўтказаман, деб жар солган. Йигирма йил ичида қим бору қим йўқ. У мана шундай мақтаниш билан овора бўлиб турганда Шоҳибекхон Хисорни қамал қилди, Маҳмуд султон Аму дарёсидан ўтиб қелмоқда, деган хабар қелди. Хисравшоҳ дархол қўлга илинган нарсани олиб, қолганини қолдириб, саросимаю таҳликага тушиб, тоғларда жон саклаш умидида қочиб кетди.

Байт:

Сени бу қишлоқдан ҳайдамай туриб,

Юкинг юклаб жўна жуфтакни уриб.

Бир-икки кундан сўнг Махмуд султон Кундузга кириб келди, факир банда ўз ука-сингилларим билан Кундузда эдик. Илгари баён килинганидек, Хисравшоҳ отамни Султоним бегимга уйлантириб қўйган эди, ундан сўнг нима килгани ҳам айтиб ўтилди, бизни эса Кундузга олиб келишди. Биз Кундузда бўлган кунларда Султоним бегим ўғил қўрди, отини Абдуллох қўйдик. Унинг хаёти турли жойларда зикр қилинади.

Отам Махмуд султонга хамрохлик қилиб келди, улар орасида катта яқинлик ва ўзаро ошнолик бор эди. Бунинг сабаби шу эдики, Шоҳибекхон ўз фаолиятининг дастлабки пайтида салтанатга тегишли барча масалаларда пала-партишликка йўл қўймас эди. Хар гал, бирор нарсани қўлга туширишга қулай фурсат топилса, уни қўлдан чиқармасди. Агар ўша иш унинг фойдасига хал бўлса – яхши, борди-ю акси бўлса, минг узрлар айтиб, сабабларни рўқач қиларди. Бунақа тўқнашувлар у ва Махмуд Султон ўрталарида қўп бўлган эди. Энг кизиги шундаки, мабодо шундай ҳолат юз берса, Махмуд Султон унинг ошқора хийладан иборат узрларини қабул қиларди. Бунинг тафсилоти анча узун, булар «Тарих»нинг асосий қисмида баён қилинади. Ўшандай ишлардан бири будир: дўстлик ва ҳамжихатлик пайтларида Шоҳибекхон Туркистонда эди. Султон Махмудхон Танбал устига қўшин тортган эди. Нотўғри маслаҳат туфайли у уч кун йўл босгач, Султон Махмудхоннинг фикри ўзгариб, ортига қайтди, бу ҳақда «Тарих»нинг асосий қисмида зикр қилинган. Султон Махмудхон лашкарига сарҳад мавзеларидан тўпланган барча амирлар орқага қайтиб сарҳадда тўхташди.

Султон Махмудхон лашкарининг отлангани хабари Туркистонга, Шоҳибекхон қулогига етди.

У дарҳол очқўзлик оёғини гайрат узангисига қўйиб йўлга тушди ва шахсан ўзи Тошкандга томон юрди, Махмуд султонни эса, эски китобларда Исфижоб деб номланган Сайрамга жўнатди. Аммо йўлдаёқ у Султон Махмудхоннинг орқага қайтганини эшитиб, унга одам юбориб: «Хазратнинг одамлари бахт-икбол жиловини гунохкор қул Танбалга қарши буришганини эшитиб, Тошканд ва ундаги аҳоли аҳли аёлларини муҳофаза қилиш учун бораётган эдим. Гарчи ундан бўлак душман бўлмаса-да, сизнинг пойтахтга, подшоҳлик тахтига қайтаётганингизни эшитиб, ортимга қайтдим» деган гапларни етказди.

Шоҳибекхон Туркистонга кетди. Шунингдек, у Махмуд султонга ҳам чопар юбориб, у ҳам йўлда уруш-пуруш қилиб юрмай қайтсин, деб тайинлади. Бирок ҳали чопар етиб келмасдан олдин Махмуд султон Сайрам холидир, деб ўйлаб, Сайрамга хужум қилди. Султон Махмудхоннинг буйруғи билан Сайрамда амир Аҳмад ҳокимлик қиларди. У иторжи амирларидан бўлиб, Танбалнинг амакиси эди. У жиянининг акси ўларок Султон Махмудхонга жуда катта хизматлар қўрсатган эди. У Махмуд султонга қарши урушди, Махмуд султон енгилди. Амир Аҳмад уни тутиб олиб, қўл-оёғини занжирбанд қилиб Султон Махмудхон саройига олиб келди. Султон Махмудхон отамга киши юбориб, бу воқеани унга етказди. Отам бориб, унинг хунини сўради, хон унга илтифотлар қўрсатиб, қўйиб юборди. Киссадан хисса шуки, Махмуд султон билан менинг отам ўртасидаги дўстлик ва ошнолик қучайди. У Махмуд султон билан бирга Кундузга келиб, ўзи билан бизни бутун оиламиз билан олиб, Шахрисабзга борди, у ерни Шоҳибекхон отамга икта қилиб берган эди.

Балхдан қайтганидан бошлаб то ҳозир айтилган вақтгача орадан бир баҳор ўтди.

Кишнинг бошида Шоҳибекхон Хоразмга юриш қилмокчи бўлди, отам эса Хуросонга қочиб кетди.

Агар шу ўринда Бобур Подшоҳ ва Султон Саидхонлар билан боғлиқ воқеалар баёнига

кискача тўхталмасак, бундан кейинги хикоямиз мазмуни уланмай қолади. Бу киска тасвирнинг тафсилотлари «Тарих»нинг асосий кисмида баён қилинади.

Еттинчи фасл. Бобур Подшоҳ (Аллоҳ унинг гуноҳларини кечирсин)нинг насл-насаби, унинг мўғул хоконлари билан қариндошчилиги тавсифи ва фаолияти аввалининг кискача баёни.

Гапнинг кискаси, қадимдан чигатой ва мўғуллар орасида катта адоват бўлган. Шу билан бирга, Амир Темур давридан то Султон Абусаид мирзо давригача тахтга Чингизхоннинг ўғли Чигатойхон авлодидан қимнидир ўтказишиб, уни подшоҳ деб аташган. Аслида улар подшоҳ фармонларидан маълум бўлишича фахрий махбус бўлишган. Султон Абусаид мирзо подшоҳлиги даврига қелиб, бу тартибга барҳам берилди. У Шерозга одам юбориб, у ердан Юнусхонни олиб келтириб, уни Мўғулистонга уқаси Эсан Бугахонга қарши юборди.

Юнусхоннинг Шерозга кетиши, Эсан Бугахоннинг хон бўлиши ва Султон Абусаид мирзонинг подшоҳлик қилиши тафсилотлари бу ихчам қитобга қиймайди.

Хуллас, Султон Абусаид мирзо Юнусхонга: «Хозир сиз ўзингизнинг аввалги хонлик одатларингизни ҳатто ҳаёлингизга ҳам яқин келтирманг, яъни шох фармонлари ўз сулоласи номи билан қийнатланади. Энди бизнинг орамизда қатъат дўстлик ва ҳамжихатлик ҳукм суради» деди.

Юнусхон ўттиз йиллик машаққатлардан сўнг Мўғулистонга қелиб, Эсан Бугахон устидан қолиб қолди. Бунинг муфассал баёни Султон Саидхон ва Абобакр мирзо фаолияти ҳақидаги хикояда қилинади.

Юнусхоннинг олижаноб қалби маълум даражада хотиржам бўлгач, у Яратганнинг азалий иродасига амал қилиб, яъни «Қачон сизларга бирон ибора билан салом қилинса, сизлар ундан қиройлироқ қилиб алик олинглар ёки (ҳеч бўлмаса) ўша иборани қайтаринглар» (4.86.) деган ояти қарима мазмунидан қелиб қикиб, Султон Абусаид мирзо азалий адоватни янги дўстлик билан алмаштирди, биз эса шу дўстликни қариндошлик қишталари билан муштаҳамлаймиз» деди. Султон Абусаид мирзонинг ўқ ўғлига – Султон Аҳмад мирзо, Султон Маҳмуд мирзо ва Умаршайх мирзога ўзининг ўқ қизи – ақлу ибода тенгсиз бўлган Меҳр Нигор хоним, Султон Нигор хоним ва Қутлук Нигор хонимни қерди, булар ҳақида аввал тўхталган эдик.

Умаршайх мирзо подшоҳлик қиладиган Фаргона вилояти Мўғулистоннинг ёнгинасида жойлашган эди, шу сабабли Юнусхон бу мирзолардан қўпроқ Умаршайх мирзони ўзига яқин олар, уни ўз ўқилларидан қам қўрмас эди. Қачон хоҳласалар бир-бирлариникига қоришар, қорига қаноат қилишиб, ортиқча расмиятчиликларга йўл қўйишмасди. Бобур Подшоҳ қугилганида Юнусхонга ҳушқабарни етқазиб ўқун одам жўнатди. Хон Мўғулистондан етиб қолди ва улар анча муддат бирга бўлишди. Бобур Подшоҳнинг қочига қайчи ўришганда ҳар бири буни байрамга айлантирган. Юнусхон билан Умаршайх мирзо дўстликлари шу қадар эдики, ҳеч қачон икки ҳукмдор орасида бунақаси бўлмаган.

Бобур Подшоҳнинг қугилиши ва унинг насл-насаби баёни.

Хуллас, Подшоҳ саккиз юз саксон саккизинчи йил муҳаррам ойининг олтинчи (1483 йилнинг 14 феввали) кунида таваллуд топди. Улугбекнинг уламои мутаххирларидан бири – Мавлоно Мунир Маргиноний унинг тугилган йили тарихини «Шаши муҳаррам» (муҳаррам ойининг олтинчи куни) сўзларидан топди. Улар Ҳазрат Эшон Убайдуллоҳдан гўдакка исм қўйиб беришни сўрашди. У киши Заҳириддин Муҳаммад исми билан мушарраф килдилар. У пайтда чигатойлар кўчманчи ҳаёт кечиришар, ўтрок эмас эди, улар Заҳириддин Муҳаммадни айтишга кийналишарди, шу сабабли уни Бобур деб ҳам атардилар. Хутба ва ёрликларда уни «Заҳириддин Муҳаммад Бобур» деб айтишди ва ёзишди. Аммо у кўпроқ Бобур Подшоҳ номи билан машҳурдир.

Насл-насаби: Умаршайх кўрагон ибн Султон Абусаид кўрагон ибн Султон Муҳаммад мирзо ибн Мироншоҳ мирзо ибн Амир Темур кўрагондир. Она томондан – Кутлук Нигор хоним Юнусхон кизи ибн Увайсхон ибн Шералихон ибн Муҳаммадхон ибн Хизр Хожахон ибн Туглук Темурхондир.

У турли гўзал фазилатлар, мактовга лойик сифатларга эга подшоҳ эди. Барча сифатлари ичида шижоат ва мурувватпешалиги устун келарди. Туркий шеърятда Мир Алишердан кейин ҳеч ким унингчалик кўп ёзмаган. У туркийда ажойиб тотли девон тартиб берган. «Мубаййин» номли шеърӣ асар яратган – жуда фойдали китоб бўлиб, одамлар уни фикх дастуруламали сифатида қабул қилишган. У «Туркий аруз»ни ёзганки, бундай етук асарни – туркий арузни унғача ҳеч ким битмаган. Ҳазрат Эшон (Ҳожа Убайдуллоҳ)нинг «Рисолаи волидия» асарини назмӣ таржима қилган.

Унинг «Вакоеъ» («Бобурнома») номида туркий тилдаги тарихӣ асари борки, у жуда аниқ, тушунарли, ширали, соф жонли тилда битилган. Ундан айрим парчалар мазкур «Тарих»да ҳам келтирилади. Мусикий ва бошқа санъатларда унинг хонадонида унғача бундай иқтидорли киши бўлмаган.

Унинг бошидан шундай гаройиб воқеалар, хайратланарли саргузаштлар ва жанглар кечганки, унинг ўғилларидан бирортаси бундай воқеаларни бошдан кечирмаган. Отаси Умаршайх мирзо оламдан ўтганда у ўн икки ёшда эди. Бу ҳақда «Вакоеъ»да шундай моҳирона сатрлар битилганки, улар туркийда бўлса-да, бу ерда келтирамиз: «Душанба куни рамазон ойининг тўртида Умаршайх мирзо кабутархонадин кабутар бирла учуб, шунқор бўлди. Ўттуз тўккуз яшар эрди». Бу воқеа 899 (8 июн 1494) йилда содир бўлди, Бобур ўшанда отасининг ўлиmidан сўнг ўн икки ёшида тахтга чиққан эди.

Султон Маҳмуд мирзонинг ўғиллари Бойсунгур мирзо билан Султон Али мирзо ўртасида шундай тўқнашувлар бўлдики, Самаркандни химоя қилишга икковидаям куч қолмади. Бунинг хабари Андижонга етгач, Бобур Подшоҳ Самаркандга қараб юрди. Гарчи мирзолар кучсизланиб қолишган бўлса-да, унга каттик қаршилик қўрсатишди. Охири Бойсунгур мирзо дош беролмай, шаҳарни ташлаб, Хисорга кетди ва у ерда Хисравшоҳ томонидан ўлдирилди, бунинг қискача баёни эслатилган эди. Бобур Подшоҳ Самаркандни олди, Андижон лашқарини имкон борича Самаркандда олиб қолди, қолган қисми руҳсат олиб-олмай Андижонга кетди.

Номи илгари эслатилган Танбал Андижонга қелибоқ, бир қанча амирлар билан қелишиб, Бобур Подшоҳнинг укаси Жаҳонгир мирзони подшоҳ қилиб қўтарди. Улар бегуноҳ Андижон қозиси (Мавлоно Ҳожа Абдулло)ни ўлдиришди. У салтанат ишларини изга туширишда Подшоҳга катта ёрдамлар қилган, беҳад тақводор мўмин инсон эди. Қози ўлдирилмасдан олдинроқ (Аллоҳ уни раҳматига олсин) Подшоҳнинг яқинлари қиска муддатда қалъани мустаҳкамлаб олишди ва Бобурга хатлар жўнатиб: «Иложи борича тезроқ бизнинг додимизга етмасангиз, Андижондаги ишлар сўзсиз барбод бўлади, унда

аникки, Самарканддаги ишлар ҳам инкирозга учрайди», деб унга тахликали мурожаат килишди.

Хат Подшоҳга етиб боргач, у Самаркандни ташлаб, Андижонга йўл олди. Хўжандга етганда, хабар келдики, душманлар ўз ишларини килиб бўлишган. «Бу ёқдан хайдалган, у ёққа етолмаган» Подшоҳ саросимада қолиб, тоғаси Султон Махмудхондан мадад сўради. Шу пайтда ўғли ва синглиси, яъни мен факир банданинг онаси ёнига Подшоҳнинг онаси ва бувиси Эсан Давлатбегим келишди. Шу муносабат билан Подшоҳ бизнинг вилоят (Ўратепа)да ҳам турди ва азиз меҳмонлар учун мезбонлар қўлларида келганча ҳаракат килдилар.

Иккинчи марта жуда катта кийинчиликлар ва катор мағлубияту ғалабалар билан Бобур Подшоҳ Самаркандни ўз тасарруфига олди. Самаркандни химоя қилиш мақсадида у Самаркандга талабгорлар билан қўп жанг қилди, мағлубият ва ғалаба нималигини синаб қўрди. Иш шаҳарда камалда қолишгача борди. Охири Бобур Подшоҳнинг тоқати тоқ бўлиб, Шоҳибекхонга, аввал эслатиб ўтганимиз опаси Хонзодабегимни бериб, сулҳ тузди-да, кетди, Самарканд Шоҳибекхон қўлида қолди. Бу қисқа баённинг тафсилотлари гоётада узун. Қисқаси, Самарканд ҳақида ўйлашни бас қилиб, Бобур Подшоҳ яна ўз тоғалари ёнига қайтиб, Андижон ишлари билан машғул бўлди. Хонлар ҳам белларини оталик меҳр-муҳаббати билан боғлаб, Андижонни эгаллаб, уни Подшоҳга бериш учун саъй-ҳаракатлар қилишди. Иш айтиб ўтилганидек яқун топди.

Охири жангда хонлар Шоҳибекхон қўлига асир тушишди. Подшоҳ Фарғона жанубидаги тоғларга кетди ва қўплаб кийинчиликлар, машаққатларни бошдан кечирди. Подшоҳнинг онаси ҳам ҳамроҳ эди, Подшоҳ мулозимларининг қўпчилиги аҳли аёллари билан қўчмоқда эди. Мўминларнинг имоми, яхшиларнинг яхшиси, мусулмонларнинг амири Ҳазрат Али (Аллох унинг юзини иймон нури билан ёритсин) бундай деган экан: «Ҳазрат Пайғамбаримизнинг сўзларига қўра «Сафар – дўзахнинг бир парчасидир».

Маккор фалакнинг зулмқорлигига қўра ҳар бир азиз ва гавҳар қаби пок кишилар учун тайёрлаган жафокорлиги ва душманлиги, хорликка солишлари қанча бўлса, уларнинг ҳаммаси ана шу сафарда Бобур Подшоҳнинг ва унинг сафардошлари бошларига ёғилди. Нихоят улар саноксиз азобу машаққатлар билан Хисравшоҳнинг пойтахти Хисор вилоятига етдилар. Хисравшоҳ одамгарчилиги билан машҳур эди. Бобур Подшоҳ ундан одамгарчилик ва мурувват қутган эди, лекин у фалакдек тесқари айланиб, одамгарчилик юзини четга ўгириб, мурувватсизлик орқасини мурувватли зотнинг юзига тўғрилади. Харкалай у бироз одамгарчилик қилди: уларнинг олдинга юришларига тўсқинлик қилмади. Ўта синиккан, ҳароб ва тахликали ҳолатда қочиб, улар Гури ва Баклон тарафга ўтиб кетишди. Бу ерга етиб келишганда, уларнинг йўл юргудек қуввати, қадам ташлагудек ҳолатлари қолмаган эди, шу туфайли у ерда бир неча кун қолиб кетишди. Мисра:

Гоҳида бахтсизлик охири бахт мевасин берар.

Гарчи у жойда тўхтаб турмоқлик уларга оғир туюлса-да, харкалай бунда ҳамма нарсага қодир ҳокими мутлакнинг лутфи мужассам эдики, доноларнинг узокни қўрадиган қўзлари бунга қўрмасди.

Бу орада Шоҳибекхоннинг Хисорга тўсатдан бостириб келиши ва Махмуд султоннинг Қундузга ҳужуми шов-шуви Хисравшоҳнинг гурури ҳамда ҳокимиятининг ичи бўш ногораси гумбур-гумбурини ўчирди, бу ҳақда аввал ёзган эдик. Бобур Подшоҳнинг Гурида эканлигини билмай у ҳам Гурига йўл олди. Ҳали айтилган жойга борганида Бобур Подшоҳнинг Гурида эканлиги маълум бўлди. Ўша кечасиёқ унинг хизматқору

мулозимлари, амирдан шотирларигача катта-ю кичик хаммаси Подшоҳ томонга ўтиб кетишди. Хисравшоҳнинг Подшоҳ хизматиға боришдан бўлак иложи қолмади. Холбуки, у Подшоҳнинг амакиваччаси Султон Масъуд мирзонинг кўзига оламини қоронғу қилган, Масъуднинг укаси Бойсунгур мирзони тахтга ўтказган заҳоти қайтариб тобутга қортган, Подшоҳ юқорида зикр қилинган аҳволда уни қора қортиб қелганида, бемурувватлик қилиб, уни ҳайдаб юборишни буюрган эди.

Айни пайтда жабрланган мирзоларнинг укаси Мирзохоннинг ота-онаси билан Подшоҳнинг ота-онаси тугишган ака ва сингил эдилар, у ҳам оғир лаҳзаларда, унинг тоғда ўтказган машаққатли қунларида унга қўшилган, ҳозир ҳам унинг хизматида эди, Хисравшоҳ Подшоҳ саройига қелгач, ақалари учун Хисравшоҳдан қасос олишни Подшоҳдан сўради.

Табиатан мурувватли инсон бўлган Бобур Подшоҳ Мирзохонга мулоим оҳангда: «Афсус, минг афсуслар бўлсинки, мана шундай ҳурматли подшоҳларга шайтон макқорлигини қўллайди», деди. Бобур мурувват дурларини бағрикенглик зумрадиға шунчалик ишқаладики, охири Мирзохон бир сўз демай рози бўлди. Хисравшоҳ Подшоҳ ва Мирзохоннинг уни шохона расм-қоида ва иззат-икром билан қутиб олишганини қўргач, ғаддор манғлайини уят ва ҳижолат тери боса бошлади, Подшоҳ эса унинг терини афв этаги ва марҳамат еңги билан артди. Қабул тугагач, Подшоҳ ўз одамларига Хисравшоҳнинг ҳамма нарсасини – қодирлари, бойлиқлари, отлари ва ҳоқазоларини ундан қандай олишган бўлса, ўша ҳолатда қайтариб беришни буюрди. Ғарчи Подшоҳ оиласида биргина от бўлиб, уни ҳам волидаи мухтарамаси миниб қелаётган, шунга қўра унда нарсаларга мухтожлик бўлса-да, у Хисравшоҳ буюмларидан ҳеч нарса олмади, Хисравшоҳнинг ўзи унга совға сифатида бир нарсани ўша учрашув пайтида, ҳали нарсаларини қайтиб олмай туриб ваъда қилди, бутун қурол-аслаҳаларию ҳазинаси беқаму қўст қўлиға текқач, ўша ваъда қилган нарсасини Подшоҳга берди. Хуросонга қетишға рухсат олиб, Хисравшоҳ Подшоҳдан айрилиб қетди. Ҳайратланарлиси шуки, Хисравшоҳ шунча лашқарга эға бўлатуриб, ўз вилоятини ҳимоя қилмади ва Хуросондан озгина ёрдам олиб, Қундуз устиға қелди, муроди ҳосил бўлмай, шу ерда осонгина ўлим топди. Дарҳақиқат, ўз ҳоҷасининг ўғлини ўлдирган одам сўзсиз ҳалокатға йўликади. Энди Бобур Подшоҳга қелсак, у бир қечада йигирма минг қишиға эға бўлди. Боқи Чағониёний, Султон Аҳмад Қоровул, Боқи Тиллоқуруш ва бошқа зўр қуролланган бақодир амирлар Подшоҳ хизматиға бел боғлашиб, у билан бирға Қобул устиға қуришди.

Қобулда Подшоҳнинг амақиси Улғбек мирзо Қобулийдан кейин ҳоқимиятни Зуннун Аргуннинг ўғли Муқим эғаллаган бўлиб, у Султон Ҳусайн мирзонинг мирзодаларидан эди. Подшоҳ Қобулға етиб қелгач, Муқим унга қарши қўзғалди, аммо озрок жанг қилиб чеқинди ва қалъа ичига берқиниб олди. Охири қамалға тоқат қилолмай, омонлик сўраб, қалъани топширди. Подшоҳ ўз ақдиға вафо қилиб, унга бор-будини ва ўзига яқин қишиларни олиб, соғ-саломат Қандаҳорга қетишға рухсат берди. Ўша сана, яъни 909 (1503-1504) йилдан то ҳозирги 948 (1541-1542) йилғача Қобул Подшоҳ ва унинг тобелари қўлида бўлди. Бобур ҳақидаги ҳикоямиз шу ерда тўхтади.

Султон Саидхон ҳаёти воқеалари, отам ҳақидаги ҳикоялар, Хуросонга қетишининг сабаби ҳамда Бобур Подшоҳ ҳаётиға алоқадор ундан сўнғи воқеалар кейинрок баён қилинади. Бунғача қоннинг зафарли қуришлари қискача баён қилинган эди, энди эса унинг ҳаёти ва фаолияти давомида юз берган воқеалар бошдан-оёқ муфасссал ҳикоя қилинади.

